

A
P 29

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
УРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
7.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ НОДИР ОДИЛОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ПРОДУКЦИОН БИЛИМЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ УСУЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг
математик ва дастурий таъминоти

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ НОДИР ОДИЛОВИЧ

ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА
ПРОДУКЦИОН БИЛИМЛАР БАЗАСИНИ ЯРАТИШ УСУЛИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер тармоқларининг
математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2018

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/T122 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Бекмуратов Тулкун Файзиевич
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: Игамбердиев Хусан Закирович
техника фанлари доктори, профессор, академик

Мухамедиева Дилноз Тўлқиновна
техника фанлари доктори, профессор

Мўминов Баҳодир Болтаевич
техника фанлари доктори

Этақчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «16» Ноябр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темуր кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2556 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темуր кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2018 йил «2» Ноябр кунни тарқатилди.
(2018 йил «18» октябр даги 11 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралiev
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби т.ф.д., доцент

Х.Н.Зайниддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот - стратегик ресурс ҳисобланиб, ахборотнинг ташкилий элементлари ҳисобланган маълумотлардан билимларни акслантириш, ҳосил қилиш, тузилмалаштиришлар ёрдамида истеъмолчига тез ва ишончли етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Электрон ахборот ресурсларида билимлар базасининг ҳулосалаш механизмларини ишлаб чиқиш бугуннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада, жумладан электрон ахборот ресурсларида билимлар базасини шакллантиришнинг моделлари ва усуллари ёрдамида акслантириш, декларатив дастурлаш ва билимлар базасини кодлаштириш орқали формаллаштириш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада хорижий мамлакатларда, жумладан АҚШ, Корея Республикаси, Япония, Хитой, Германия, Австралия, Франция, Испания, Буюк Британия, Венгрия, Россия Федерацияси, Грецияда электрон ахборот ресурсларини шакллантиришнинг билимлар базасини қуришнинг математик ва дастурий таъминотини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда катта массивли маълумотларга ишлов бериш, таҳлил қилиш, прогнозлаш (башорат қилиш) ва тадқиқ қилинаётган вазиятларни баҳолаш масалаларини ечиш учун замонавий интеллектуал корпоратив ахборот-коммуникация тизимлари (Intelligence Enterprise Information Systems) шакллантиришнинг илмий асослари яратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан қарорларни қабул қилишни қўллаб-қувватлаш тизимлари бизнес-стратегиялари ва ахборот технологияларини бирлаштириш, функционал компоненталарнинг билимлар базаси учун қондалар ва далилларни қуришнинг усул ҳамда алгоритмлари интеллектуал тизимларнинг ишлаш самарадорлигини оширишда муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга ахборот тизимларида электрон ахборот ресурсларини шакллантиришда билимлар базаси асосида “ҳулосалаш механизми” усуллари ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда кўплаб соҳа-корхоналарини ахборотлаштириш даражасини оширишда ахборот технологиялари, аппарат-дастурий воситаларни интеллектуал бошқариш тизимлари асосида электрон ахборот ресурсларининг билимлар базасини шакллантиришда миллий контентни яратиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, ... иктисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ахборот тизимларида электрон ахборот ресурсларни шакллантириш учун продукцион моделга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

асосланган билимлар базасини куришнинг усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги (2002), «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги (2004) Қонунилари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2014 йил 3 апрелдаги ПҚ-2158-сон «Ахборот-коммуникацион технологияларни иқтисодийнинг реал секторига янада жорий қилиш тўғрисида»ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 августдаги 625-сон «Интернет жаҳон ахборот тармоғида миллий контентни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Электрон ахборот ресурсларида билимлар базасини шакллантириш, билимларни акс эттириш моделлари ва усуллари асосида дастурий таъминотлар яратиш, билимлар базаларини лойиҳалаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари, жумладан Sycorp, RuleM, The Object Management Group (АҚШ), Attar Software Ltd (Буёк Британия), National Institute of Informatics (Япония), University of Science and Technology of China (Хитой), University of Technology Sydney (Австралия), European Research Consortium of Informatics and Mathematics (Испания), Institute for Computer Science and Control (Венгрия), National IT Industry Promotion Agency, Seoul National University of Science and Technology (Корея), Тизимли таҳлил ва интеллектуал тизимлар Халқаро илмий-ўқув лабораторияси (Россия Федерацияси), Тошкент ахборот технологиялари университетида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Билимларни акс эттириш моделлари, усулларини яратиш, электрон ахборот ресурсларига эга интеллектуал тизимларни такомиллаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: табиий тилларда матнлар устида мулоҳазаларни

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://search.ebscohost.com>, <http://link.springer.com>, <https://elibrary.ru/item.asp?id=21681096>, <https://cyberleninka.ru/.../obzor-metodov-raspoznavaniya-simvolov>, <http://intellect-tver.ru/?p=165>, <https://www.ibm.com/developerworks/ru/library>, <https://databases.library.jhu.edu>, EBSCO information services, ProQuest, Nature, Oxford University Press, Cambridge University Press ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

амалий моделлаштириш инструментларининг ишланмаси бўлмиш ResearchCус тизими тақлиф этилган (Stanford University, Palo Alto, California, АҚШ); маълумотлар ва билимлар базаларига асосланган бизнес таҳлилий тизимларни интеллектуал таҳлиллаш усуллари ишлаб чиқилган (University of Technology Sydney, Австралия); Production Rule Representation (Продукцион қоидаларни намоёиш этиш) OMG учун продукцион қоидаларнинг стандартлари ҳисобланиб, UML да продукцион қоидаларни намоёиш этиш муаммоларини ечиш усуллари ва тамойиллари ишлаб чиқилган (The Object Management Group (OMG) is an international, open membership, not-for-profit technology standards consortium, АҚШ); Rule Markup Language (RuleML) Веб-қоидаларга асосланган технология қоидаларни моделлаштириш тилларининг усуллари ва ёндашувлари ишлаб чиқилган (RuleML Inc илмий маркази, АҚШ).

Дунёда электрон ахборот ресурсларни яратишда интеллектуал элементли тизимларни шакллантириш асосида билимлар базасини тадқиқ қилиш учун катта массивли маълумотлар базасини, жараёнларни моделлаштириш ва юқори самарали бошқариш тизимларни яратиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: интеллектуал ахборот тизимлардаги билимлар базасини шакллантиришда далиллар ва қоидалар қуриш механизми асосида интеллектуал алгоритмик-дастурий модулларни яратиш; Data Science модел ва усулларига асосланган маълумотларни мантикий-лингвистик акс эттиришда билимлар базаси моделини қуриш ёндашувини ишлаб чиқиш; электрон ахборот ресурсларида маълумотларни интеллектуал таҳлиллашни амалга оширишнинг продукцион билимлар базасини лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш; электрон ахборот ресурсларида билимларни акс эттиришнинг продукцион моделга асосланган аралаш моделни қуриш; ахборот ресурсларида хулосалаш самарадорлигини ошириш механизминини қуриш усул ва алгоритмик-дастурий таъминотини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Электрон ахборот ресурсларидан компьютер тармоқлари ёрдамида билимларни акс эттириш муаммоларига математик статистика, Data Science асосида моделларни қуриш ва усулларини яратиш, электрон ахборот ресурсларида билимлар базасини жорий қилиш муаммолари бўйича тижорат компаниялари Expert System, Expert System Designer, Expert System Creator, ARITY Expert Development Package, CxPERT, Exsys Developer, REWERSE Project Working Group, Google, IBM ва дунёнинг машҳур олимлари раҳбарлигида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан John McCarthy, François Вгу, Мамдани, Сугено, Р.А.Алиев, Ю.А.Загорулько, Г.В.Рыбина ва И.А.Бессмертнийлар билимлар базасини шакллантириш ва акслантиришларнинг таҳлили, муаммо ва ечимларига бағишланган тадқиқот ишларида электрон ахборот ресурсларда билимлар базасини шакллантириш муаммолари бўйича Т.Ф.Бекмуратов, Д.Т.Муҳаммадиева, М.А.Рахматуллаев ва О.Ж. Бабомуратовлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Электрон ахборот ресурсларнинг билимлар базасини такомиллаштириш

бўйича Л.Заде, А.Н.Аверкин, Ф.Баадер, А.Ф.Берман, В.Н.Вагин, Kim J.S., Голенков В.В., Грау Б., Грибова В.В., Грубер Т., Гуарино Н., Джарратано Дж., П. Джексон, Республикамизда маълумотларга интеллектуал ишлов бериш бўйича М.М.Камилов, А.Х.Нишанов каби олимларимизнинг тадқиқот ишларида ўрганилган. Электрон ахборот ресурсларни шакллантириш ва унда продукцион билимлар базасини қуриш бўйича назарий ва амалий тадқиқот ишлари олиб борган олимларга Еремеев А.П., А.А.Барсегян, Хорошевский В.Ф., Гаврилова Т.А., Breuker J., продукцион моделларини шакллантириш усуллари ва алгоритмлари бўйича Owrang O.M., Sébastien Salva, E.Triantaphyllou, И.А.Бессмертный, Республикамизда электрон ахборот ресурсларини яратиш, тизимлаштириш ҳамда жорийлаштириш тадқиқотлари Б.Б. Муминов ва У.С.Каримовлар раҳбарлигида ўрганилган.

Электрон ахборот ресурсларида билимларни шакллантиришда продукцион билимлар базасини қуриш масалалари доирасида фан ва таълимга оид ахборот тизимларини тадқиқ қилиш, билимларни акс эттириш хусусиятлари, маълумотларни маънавий-лингвистик акс эттиришда билимлар базасини шакллантиришнинг продукцион моделини қуриш, ахборот ресурсларида маълумотларни интеллектуал таҳлиллашни амалга оширишда продукцион қондалар базасини шакллантириш усули, самарадорлигини ошириш учун қондалар базаси параметрларини созлаш ва модификациялаш, ахборот ресурсларини шакллантириш ва иккиламчи фойдаланиш учун ишлаб чиқилган маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш усул, модел, алгоритмик ва дастурий воситаларни электрон ахборот ресурслари билан ишловчи тизимларда тақдим қилиш усуллари ва алгоритмларини қуриш ҳамда дастурий таъминотини ишлаб чиқишга бағишланган илмий изланишлар ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети илмий тадқиқот ишлари режасининг №А-5-037-«АКТ йўналишидаги касб-хунар коллежлари учун масофавий таълим электрон тизимини ишлаб чиқиш» (2015-2017), №И-2017-4-4-«Ахборот тизимларида маълумотларга интеллектуал ишлов бериш, излаш моделларини яратиш ва жорий қилиш» (2017-2018), №А-5-29-«Электрон вазирлик» мақсадли автоматлаштирилган ахборот тизимини маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш тамойиллари асосида дастурий-алгоритмик таъминоти» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электрон ахборот ресурсларни шакллантириш жараёни самарадорлигини оширишга йўналтирилган продукцион билимлар базасини яратиш усул, модел ва алгоритмик-дастурий жаммуасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:
интеллектуал тизимларни қуришда билимлар базасини ҳосил қилишнинг назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ қилиш;

маълумотларни мантиқий-лингвистик акс эттириш ёндашувлари асосида билимлар базаси моделини ишлаб чиқиш;

маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш асосида электрон ахборот ресурсларининг продукцион билимлар базасини лойиҳалаш усулини ишлаб чиқиш;

электрон ахборот ресурсларида билимларни акс эттиришнинг продукцион моделига асосланган гибрид моделини куриш;

интеллектуал тизимларда электрон ахборот ресурсларга ишлов бериш самарадорлигини оширишга йўналтирилган продукцион моделга асосланган алгоритмини ишлаб чиқиш;

электрон ахборот ресурсларида прецедентларга асосланган норавшан қоида хулосалаш механизм моделини куришнинг алгоритмик-дастурий воситасини ишлаб чиқиш;

электрон ахборот тизимларида билимлар базасини ҳосил қилиш ва ишлов беришнинг продукцион моделига асосланган усул ва алгоритмларини жорийлаштириш, натижаларни қиёсий таҳлиллаш ва текшириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электрон ахборот ресурсларида маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш самарадорлигини ошириш учун билимлар базасини ҳосил қилиш жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети электрон ахборот ресурсларида маълумотларга ишлов бериш самарадорлигини оширишга йўналтирилган билимлар базасини куришга хизмат қилувчи технологиялар, модификацияланган усул; модел ва алгоритмик-дастурий таъминотлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш усуллари, билимлар базасини куриш усуллари, эҳтимоллик ва бошқариш назарияси, эксперт баҳолаш, продукцион моделларини шакллантириш усуллари, алгоритми ҳамда объектга йўналтирилган дастурлаш усуллари ҳамда MVC технологиялари ва ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш усуллари, дастурий модулларни синовдан ўтказиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

электрон ахборот ресурсларига ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун билимлар базасини куришнинг эксперт мулоҳазалар ва норавшан мантикдан иборат гибрид усули ишлаб чиқилган;

электрон ахборот ресурслари билимлар базаси иш самарадорлигини оширишга йўналтирилган билимларни тартибланишнинг продукцион модели ва алгоритми ишлаб чиқилган;

электрон ахборот ресурсларида прецедентларга асосланган норавшан қоида хулосалаш механизми асосида модел куриш алгоритми ишлаб чиқилган; электрон ахборот ресурсларида ахборот бирликларига бўлиш асосида продукцион билимлар базасини лойиҳалаш ёндашуви ишлаб чиқилган;

ахборот тизимларда хулосалаш самарадорлигини ошириш, катта массивли маълумотларга ишлов беришда тузилмавий хатоликларни таснифлаш ва бартараф этишнинг усул ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

электрон ахборот ресурсларини шакллантиришда продукцион билимлар базасини куришнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ахборот тизимларининг электрон ахборот ресурсларида маълумотларга ишлов бериш, таҳлиллаш, танлаш ва таснифлаш турли кесимда катта массивли маълумотларга ишлов беришда тузилмавий хатоликларни камайтиришга хизмат қилувчи механизми ишлаб чиқилган;

электрон ахборот ресурсларига ахборот бирликларига бўлиш асосида ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун билимлар базасини продукцион моделлари асосида лойиҳалаш ёндашуви ҳамда прецедентларга асосланган кидирув ва хулосалаш алгоритмик-дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

ахборот тизимларининг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш, фойдаланишни ташкил этувчи тизимлар иш самарадорлигини оширишга йўналтирилган алгоритмик-дастурий таъминот яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги продукцион билимлар базасини шакллантиришда интеллектуал таҳлиллаш усул ва моделлари ўтказилган тадқиқот, олинган формула ва амалий натижалар мезонлар асосида ўтказилган қиёсий таҳлил билан асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг мантикий асосланишини баҳолаш учун дастурий воситалар, маълумотларни ўзида мужассамлаштирган прецедентга асосланган далиллар ва қондалар базасини куриш масалаларини ечишда тест синовидан ўтказилганлиги, дастурий воситалар самарадорлигининг қиёсий таҳлили катта ҳажмли маълумотларга ишлов беришда хатоликларни камайтириш орқали хулосалаш механизмини яхшилашнинг продукцион модели ёндашувини куришнинг устунликлари асосланганлиги, маълумотларни интеллектуал таҳлилини амалга ошириш соҳасидаги етакчи олимлар ва экспетрларнинг якуний хулосалари билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ахборот тизимларининг электрон ахборот ресурсларига ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун билимлар базасини ҳосил қилиш, тузилмавий хатоларни таснифлаш ва бартараф этишнинг продукцион моделга асосланган гибрид модели, хулосалаш механизмининг маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш тизимларини куришга хизмат қилувчи усул ва алгоритмлари ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти электрон ахборот ресурсларини шакллантириш ва ишлов бериш жараёни самарадорлигини оширишда билимлар базасини ҳосил қилиш, билимлардаги хатоликларни таснифлаш ва бартараф этиш орқали хулосалаш механизмини яхшиловчи дастурий модуллари ишлаб чиқилганлиги билан изохланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электрон ахборот ресурсларида билимларни акс эттиришнинг продукцион моделини яратишнинг моделлари, усуллари ва алгоритмик-дастурий воситалари бўйича олинган натижалар асосида:

электрон кўринишдаги матнларни синфларга ажратиш бўйича «МТ 1.0. Матнларни таснифлаш», «ТҮК 1.0. Тасодифий йиғма кўрсаткичлар», «РВААТ. Продукцион билимларга асосланган ахборот тизими» маълумотлар базаларига «UNICON.UZ» ДУК томонидан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида хулоса берилган («UNICON.UZ» ДУКнинг 2018 йил 27 сентябрдаги хулосаси). Натижада катта массивли маълумотлардан билимларни ажратиб олишда хулосалаш механизмининг ишлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

электрон ахборот ресурсларида ахборот бирликларига бўлиш асосида продукцион билимлар базасини лойиҳалаш ҳамда прецедентларга асосланган кидирув ва хулосалаш алгоритмик-дастурий воситаси “ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ” АЖ корпоратив ахборот тизимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 33-8/7982-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида корхонанинг ички маълумотлар статистикаси ҳамда мониторинг самарадорлигини 15%га ошириш, электрон ахборот ресурсларида маълумотларни қайта ишлаш ҳамда тегишли таклифларни шакллантиришни 2 баробарга ошириш, корпоратив ахборот тизимидаги электрон ахборот ресурсларини шакллантириш вақтининг самарадорлигини 20%га камайтириш имконини берган;

глобал тармоқ учун электрон ахборот ресурсларининг бошланғич маълумотларини шакллантириш алгоритми, бошланғич маълумотлар асосида продукцион билимлар базаси учун далиллар ва қоидалар базасини яратиш, электрон ахборот ресурслари мониторингида интеллектуал таҳлиллаш самарадорлигини ошириш учун продукцион моделга асосланган билимлар базасини қуришнинг усули, алгоритми ва дастурий модули «ЎЗИ-Жиззах» корхонаси абонентларга хизмат кўрсатиш бўлимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 33-8/7982-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида бошланғич маълумотлар асосида продукцион билимлар базаси учун далиллар ва қоидалар базасини яратиш ҳамда уларга ишлов бериш самарадорлигини 10%га ошириш, дастурий модул ёрдамида маълумотларни таснифлаш ва таҳлиллаш самарадорлигини 7-10%га ошириш имконини берган;

электрон ахборот ресурсларида билимлар базасининг ишлаш самарадорлигини оширишга йўналтирилган билимларни тартибланишнинг продукцион модели ва алгоритми “UNICON.UZ” ДУК ахборот-таҳлил тизимига жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 33-8/7982-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш ва тизимлаштириш ёрдамида контекст таҳлил қилиш учун билимлар базасини шакллантириш самарадорлигини 1,5 мартага ошириш, қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштириш ҳамда ушбу жараёнларга кетадиган вақт ва ишчи ресурсларини камайтириш эвазига ҳаражатларни 5-7%га камайтириш имконини берган;

электрон ахборот ресурсларига ишлов бериш самарадорлигини ошириш учун билимлар базасини куришнинг эксперт мулохазалар ва норавшан маътиқдан иборат гибрид усули, катта массивли маълумотларга бошланғич ишлов бериш «Dodi Bobo» ва «KARMAT-PLUS» МЧЖнинг статистика ва мониторинги бўлими ва АРМ тармоғида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 21 июндаги 33-8/7982-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида АРМнинг тармоғида маълумотлардан билимларни ажратиб олиш ҳамда уларни тақдим этиш самарадорлигини 11%га ошириш, муҳимлилик даражасини аниқлаш механизми асосида ишлаб чиқилган дастурий воситаси ёрдамида мос ахборот ресурсларини тақдим этиш вақтини 1,5 марта камайтириш, билимларни таҳлиллаш ва саралашнинг ягона боғланган “хулосалаш механизми” ёрдамида катта ҳажмли маълумотларга бошланғич ишлов бериш ҳамда маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш ва тизимлаштириш натижасида бошқарув самарадорлигини 12%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 4 та халқаро ва 16 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган, ҳамда 6 та ЭХМ учун яратилган дастурий таъминотларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлик даражаси асослаб берилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқи рўйхати, ишнинг синов натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «Электрон ахборот ресурсларини шакллантиришнинг назарий асослари» деб номланган биринчи бобида замонавий ахборот тизимларида электрон ахборот ресурсларининг туркумланиши ва ўзига хос хусусиятлари, электрон ахборот ресурсларни бошқаришда билимларни ҳосил

қилиш тамойиллари, усул ва моделлари олимларнинг тадқиқот ишлари, киёсий таърифлари тадқиқ қилинган.

Электрон ахборот ресурс (ЭАР) - ахборот ва бошқарув тизимларидаги алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатлар тўпламидан иборат бўлади. АРларни ахборот тизими учун шакллантиришда бирор бир соҳа йўналишларини ифодаловчи маълумотлар базаси (МБ) ёки маълумотлар омбори (МО) кўринишида шакллантирилади ва улар анъанавий ҳамда тармоқли гуруҳларга ажратилади.

Маълумки, барча АРлари материалларининг асосий ташувчиси табиий тил ҳисобланади. Табиий тил асосида ҳосил қилинадиган АРлари илк бор оғзаки мулоқот шаклида, кейинчалик ёзма ва электрон воситалар ёрдамида алмашинуви йўлга қўйилган. Мулоқот ёки бошқа турдаги маълумот алмашинуви бирор объект, ҳодиса ёки жараёни тавсифлашга йўналтирилган бўлади.

Билимларни акс эттиришнинг умумий назариясини яратиш устувор муаммолар сирасига киради. Бундай назария янгидан янги кундалик муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган билимларни шакллантириш имконини берган бўлар эди. Бироқ ушбу масала ечимига эришиш учун предмет соҳани ифодаловчи умумий қонуниятларни топиш асосий мақсад бўлиб, у билимларни ифодалаш муаммосининг асосий моҳияти ҳисобланади.




1-расм. Сунъий интеллект тузилмаси

Хар томонлама ноаниқлик, ҳамда атрофимизни ўраб олган ҳақиқий дунёнинг тўлиқ бўлмаган аниқлик билан иш кўрувчи Эволюцион Алгоритмлар - EA(evolutionary algorithms), Хаос Назарияси - СТ(chaos theory) ва Таълим Назарияси - LT(learning theory) нинг бир қисмини ўз ичига олган Норовшан Мантқиқ-FL(fuzzy logic), Нейрон Тармоқлар - NN(neural networks), Эҳтимолли Мулоҳазалар-PR(probabilistic reasoning) каби интеллектуал парадигмалар (компьютерли қайта ишлаш воситалари сифатида) мажмуи Soft Computing – SC (юмшоқ, эгилувчан, ҳисоблаш, қайта ишлаш) ни ташкил этади (1-расм). Анъанавий ҳисоблаш қайта ишлашдан Hard Computing(НС)-яъни “қаттиқ”, қатъий ҳисоблаш) фаркли ўлароқ SC ишлаб чиқарувчанлик ва самарадорликни йўқотмаган ҳолда ноаниқлик, норовшанлик ва қисман ростлик билан иш кўришга қодирдир. Л.Заденинг қайд этишича, анъанавий НС дан фаркли ўлароқ, SC нинг мақсади ҳақиқий дунёнинг ҳар жойдаги ноаниқлик билан ҳамоҳангликда яшашдир. SC нинг асосий тамойили ноаниқлик, норовшанлик ва қисман ростликни ҳисобга олган ҳолда баён этилишга (сифатли белгили ёки лингвистик кўринишда ифодалаш), робастликка (кичик хатоликларга бардошлиликка) ва ечимнинг паст нархига эришишдир.

Диссертациянинг «Интеллектуал тизимларда электрон ахборот ресурсларининг тузилмаси» деб номланган иккинчи бобида интеллектуал ахборот тизимларида билимларни акс эттиришнинг асосий воситалари, тахминий мулоҳазалар тузилмаси ҳамда лойиҳалаштириш босқичларини шакллантириш масалаларини ечишга бағишланган.

ЭАРларини куйидаги ташкилий элементлар тузилмаси кўринишида ифодалаш мумкин (2-расм).



2-расм. ЭАР ташкилий элементлари тузилмаси

Мантикий моделлар асосини $S = \langle T, P, A, F \rangle$ кортежлар кўринишидаги формал назарий тушунчалар ташкил этади. Бу ерда Т – тизимнинг асосий элементлари тўплами (алфавит); Р-семантик қоидалар тўплами; А-аксиомалар тўплами; F-семантик қоидалар ёки ушбу назария учун тўғри бўлган формулаларни олиш имконини берувчи хулосалаш қоидалари.

Ҳозирги даврда кенг қўлланилувчи модел бу продукцион моделдир. Продукцион модел асосини қоидалар ташкил этади ва куйидагича ифодаланади:

R : Агар *A*, у ҳолда *B* ёки
Агар *A*, у ҳолда *B*, акс ҳолда *C*.

R қоида интеллектуал ахборот тизимларидаги асосланган далиллар орқали хулосалаш механизмини шакллантириш имконини беради. Бу эса дастлабки шакллантирилган қоида ядроси атрофида ихтиёрий ўлчамдаги қоидалар базасини яратишни таъминлайди. Бундай қоидалар ҳосил қилинаётган билимлар базаси сифатини оширишга хизмат қилади.

Охири пайтда норавшан тўпламлар (F-тўпламлар) ни ўрганишда F-Conditional Rules Inference ёки қисқа қилиб CRI деб аталувчи норавшан шартли мантикий хулоса (F-шартли хулоса) қоидаларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ҳолат оддий тилнинг семантикасида маълум сондаги норавшан тушунчалар (F-тушунчалар) мавжудлиги билан боғлиқдир, шунинг учун қоидалар ва бундай F-тушунчаларни ўз ичига олган мантикий хулосалар чиқарамиз. Амалиётга кўра, бундай хулосаларга нисбатан қоидаларни шакллантириш йўсинлари мутлақо ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин бу каби хулосалар классик булл мантиққа асосланган ҳолда қониқарли даражада шаклланмайди, яъни шу мақсадда кўп қийматли мантикий тизимлардан фойдаланиш зарур бўлиб қолади.

Норавшан мантиқда ва тахминий мулоҳазаларда умумлашган модус поненс GMP (Generalized Modus Ponens) ва умумлашган модус толленс GMT (Generalized Modus Tollens) деб аталувчи норавшан хулосанинг иккита муҳим қоидаси орқали амалга оширилади:

1-Қоида: *x A* дир,

2- Қоида: Агар *x A* бўлса, у ҳолда *y B* дир,

Хулоса: *y B* дир

(GMP)

1- Қоида: *y B* дир,

2- Қоида: Агар *x A* бўлса, у ҳолда *y B* дир,

Хулоса: *x A* дир

(GMT)

Шартли мантикий хулоса қоидалари асосан уч турдаги шартли таклифни камраб олади:

$R_1 = \text{АГАР } x A \text{ бўлса, У } \text{ҲОЛДА } y B \text{ дир}$

$R_2 = \text{АГАР } x A \text{ бўлса, У } \text{ҲОЛДА } y B \text{ дир,}$

Акс ҳолда *C*

$R_3 = \text{АГАР } x_1 A_1 \text{ бўлса ва } x_2 A_2 \text{ бўлса ва } x_n A_n \text{ бўлса У } \text{ҲОЛДА } y B \text{ дир}$

Юқорида қайд этилганидек, шартли мантикий хулоса қоидаларини шакллантиришнинг қонуний асоси қуйидаги мазмундаги ажратиш (модус=поненс) қоидадир:

АГАР ($\alpha \rightarrow \beta$) рост ва α рост бўлса, У ҲОЛДА β ростдир.

Ўз навбатида, бундай шаклланишнинг услубий асоси Л.Заде томонидан таклиф этилган композицион қоидадир. Кейинчалик Е.Мамдани Л.Заденинг

қондаси сингари R_i кўринишдаги мантикий мулоҳазага нисбатан ишлаб чиқилган шахсий хулоса қондасини таклиф этди. Бошқа сўз билан айтганда қуйидаги шаклдаги F -шартли хулоса кўриб чиқилади ва буни биз тахминий мулоҳазалар тузилмаси деб атаймиз:

1- Қонда: *Агар $x \in A$ бўлса, y ҳолда $y \in B$ дир,*

2- Қонда: *$x \in A'$ дир,*

Хулоса: *$y \in B'$ дир*

Ёки агар $x \in A$ бўлса, y ҳолда $y \in B$

$x \in A'$,

$y \in B' = A'$ оР

бу ерда A ва A' - U универсумдаги F -тўплам кўринишида берилган F -қонуният; $B-V$ универсумдаги F -қонуният ёки F -тўплам. Бундан $B' \in V$ даги F -тўплам кўринишида берилган натижадир.

СР1 дан фойдаланган ҳолда мантикий натижани олиш учун қондалар мос равишда $R(A_1(x), A_2(y))$ кўринишдаги бинар F -муносабат ва $R(A_1(x))$ кўринишдаги унар F -муносабатга келтирилиши керак. Бу ерда $A_1(x)$ ва $A_2(y)$ мос равишда U ва V универсумлардаги қийматларни қабул қилувчи x ва y атрибутлар орқали аниқланади. У ҳолда

$$R(A_1(x)) = A'.$$

$R(A_1(x), A_2(y))$ Заде-Мамдани хулосаларининг қондаларига кўра қуйидаги тарзда аниқланади.

Шартли мулоҳазанинг максимин қондаси

$$R_m(A_1(x), A_2(y)) = (A \times B) \cup (\neg A \times V). \quad (1)$$

Шартли мулоҳазанинг арифметик қондаси

$$R_0(A_1(x), A_2(y)) = (\neg A \times V) \oplus (U \times V). \quad (2)$$

Шартли мулоҳазанинг мини-функционал қондаси

$$R_c(A_1(x), A_2(y)) = A \times B. \quad (3)$$

Бу ерда \times, \cup, \neg - мос равишда декарт кўпайтма, бирлашма ва инверсия; \oplus - чегараланган йиғинди.

Юқоридаги тахминий мулоҳазалар тузилмасидаги B' бўлган мантикий натижа $R(A_2(y))$ қуйидаги тарзда олинishi мумкин:

$$R(A_2(y)) = A' \circ [(A \times B) \cup (A \times B)];$$

$$R(A_2(y)) = A' \circ [(\neg A \times V) \oplus (U \times B)];$$

ёки

$$R(A_2(y)) = A' \circ (A \times B).$$

Бу ерда \circ - F -тўпламларни максимин композициялаш амали.

Шу қондалар асосида қуйидаги кўринишдаги шартли мулоҳазаларга тааллуқли қондалар таклиф этилди:

$$R_4(A_1(x), A_2(y)) = [(\neg A \times V) \oplus (U \times B)] \cap [(A \times V) \oplus (U \times C)]; \quad (4)$$

$$R_5(A_1(x), A_2(y)) = [(-A \times V) \cup (U \times B)] \cap [(A \times V) \cup (U \times C)]; \quad (5)$$

$$R_6(A_1(x), A_2(y)) = [(A \times B)] \cap [(-A \times C)]. \quad (6)$$

Худди шу ерда шартли мулоҳазага оид қоидалар ҳам таклиф этилди:

$$R_7(A_1(x), A_2(y)) = [\bigcap_{i=1,n} (-A_i \times V)] \oplus [(U \times B)]; \quad (7)$$

$$R_8(A_1(x), A_2(y)) = [\bigcap_{i=1,n} (-A_i \times V)] \cup [(U \times B)]; \quad (8)$$

$$R_9(A_1(x), A_2(y)) = [\bigcap_{i=1,n} -A_i] \times B. \quad (9)$$

(1)-(9) қоидаларнинг самарадорлигини таҳлил этиш учун таклиф этилган F-шартли мантикий хулосага тааллуқли айрим мезонлардан фойдаланилди. Берилган мезонларнинг мазмуни норавшан шартли хулосанинг у ёки бу қоидаси тахминий мулоҳазаларда инсон ички туйғуларини қай даражада қаноатлантирилишини текшириш имконини беради.

Диссертациянинг «Интеллектуал ахборот тизимларида билимларни аке эттиришнинг продукцион модели» деб номланган учинчи бобида интеллектуал ахборот тизимларининг продукцион модели, лингвистик норавшан моделлар, катта ҳажмли билимлар базасида мантикий хулосалаш самарадорлигини ошириш тадқиқ қилинган.

Мантикий хулосалаш учун Сугено алгоритмидан фойдаланиб z ни аниқловчи ўзгарувчилар комбинацияси кўринишида ифодалаймиз:

$$z = (x_1, \dots, x_N) = k_0 + \sum_{i=1}^N k_i x_i$$

Бу ҳолда олинган натижа гиперюзага акслантирилганда хатолик кўпайса, Сугено модели кўп ўлчамли функциялар учун Фабер-Шаудер базис функциялар тизими билан умумлаштирилади ва қуйидаги кўринишда юзага акслантириш ифодаланади:

$$z = (x_1, \dots, x_N) = \lim_{L \rightarrow \infty} \sum_{l=1}^L \sum_{n=1}^N \delta_{l,n}(x_n) \quad (10)$$

Бу ерда l – яқинлик даражаси, $\delta_{l,n}(x_n)$ – z қийматда x_n ўзгарувчининг l – даражадаги ҳиссасини аниқловчи Фабер-Шаудер функцияси. (10) нинг мослигини таъминлаш учун бундай талаб Фабер-Шаудернинг бир ўлчамли функциясига x_1, \dots, x_N соҳага Ω'_d ечим зоналарига ажратиш амалга оширилади:


$$\Omega'_d = \bigcup_i \Omega_i^{i+1}, \quad \Omega_i^{i+1} \cap \Omega_j^i = \emptyset, \quad i \neq j; \quad i, j = 1, \overline{D_{i+1}}$$

$$(\forall L \in N) = ((x_1, \dots, x_N) \in \Omega'_d \rightarrow \Omega'_i, i \neq d) (\delta_i^d = 0)$$

бу ерда

$$\Omega'_d(x_1, \dots, x_N) = \sum_{n=1}^N \delta_{l,n}(x_n). \quad (11)$$

(11) Ω'_d зонадаги умумий тузатиш. (11) фойдаланган ҳолда ўзгарувчи қийматини қуйидагича аниқлаймиз:



$$z(x_1, \dots, x_N) \lim_{L \rightarrow \infty} \sum_{l=1}^L \sum_{d=1}^{D(l)} P_d^l(x_1, \dots, x_N) \delta_d^l(x_1, \dots, x_N)$$

бу ерда

$$P_d^l(x_1, \dots, x_N) = \begin{cases} 1, & (x_1, \dots, x_N) \in \Omega_d^l \\ \text{акс олда} & 0 \end{cases}$$

δ_d^l якуний ечимда зарурий тузатишларни ҳисобга олиш белгиси $\delta_d^l - \Omega_d^l$ зонадаги умумий тузатишлар.

Ўзгарган кўринишдаги Сугено кўринишдаги модел(11) δ_d^l қийматини ҳисоблаш қуйидаги кўринишда амалга оширилади:

$$\delta_d^l = z(x_1, \dots, x_N) = z_{d,0}^l + k_d^l \sum_{i=1}^N (\gamma_{d,i}^l * \alpha_i(x_i))$$

бу ерда $k_d^l - \Omega_d^l$ зонанинг умумий коэффиценти, $\gamma_{d,i}^l \in (0,1) - x_i$ ўзгарувчининг умумий тузатиш қийматида таъсир коэффиценти, $\alpha_i(x_i) \in [0,1] -$ термнинг тегишлилик даражаси.

Сугенонинг модификацияланган моделининг ўнг қисми қуйидагича аниқланади:

$$z(x_1, \dots, x_N) = z_0 + \sum_{i=1}^N k_i x_i + \frac{\sum_{d=1}^D P_d^l(x_1, \dots, x_N) (z_{d,0}^l + k_d^l (\gamma_{d,i}^l * \alpha_i(x_i)))}{\sum_{d=1}^D P_d^l(x_1, \dots, x_N)}$$

Ушбу алгоритм учун қуйидаги кўринишдаги продукцион қоидадан фойдаланилади:

$$\text{Агар } (R_{x_i} = T_{i,d,k}^{R_{x_i}}) \text{ ва... ва } (R_{x_N} = T_{i,d,k}^{R_{x_N}}) \text{ у ҳолда } (G^k = T_{i,d}^{G^k}), \overline{k=0, N} \quad (12)$$

$$\text{Агар } (G^0 = T_{i,d}^{G^0}) \text{ ва... ва } (G^N = T_{i,d}^{G^N}) \text{ у ҳолда } (\Omega = T_{i,d}^{\Omega}) \quad (13)$$

$$\text{Агар } (\Omega = T_{i,d}^{\Omega}) \text{ ва... ва } (D_{x_i} = T_{i,d}^{D_{x_i}}) \text{ у ҳолда } (D_i = T^{D_i}) \quad (14)$$


$$\text{Агар } (D_i = T^{D_i}) \text{ ва... ва } (D_L = T^{D_L}) \text{ у ҳолда } (D_i = D_1 + \dots + D_L). \quad (15)$$

Бунда (12) ва (13) қоидалар тузатиш соҳасини локаллаштириш учун, (14) қоида тузатиш қийматини ҳисоблаш учун, (15) қоида эса тузатишларнинг йиғинди қийматини ҳисоблаш учун қўлланилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Электрон ахборот ресурсларининг билимлар базасини қуришнинг алгоритми» деб номланган бўлиб, электрон ахборот ресурсларини бошқаришда билимлар базасининг умумлаштирилган тузилмаси ва ташкилий элементлари, продукцион тизим билимлар моделларининг тузилмавий-функционал шакллантирилиш алгоритми ҳамда маълумотларни интеллектуал таҳлилни амалга оширишда қарор муқобилини шакллантириш самарадорлигини ошириш алгоритми ишлаб чиқишининг баёни келтирилган.

Дастлабки қадамда предмет соҳа бўйича дастлабки маълумотлар предмет соҳа бўйича эксперт талаблари асосида тузилмалаштирилади. Улар маълум талаблар, мезонлар ёки қонуниятлар асосида билим ёки ахборот

кўринишида билимларни ҳосил қилиб олишни амалга оширади. Ҳосил қилинган метамаълумотлар маълумотлар базасини бошқариш механизми ёрдамида тартибланади ва маълумотлар омборига жўнатилади. Худди шу жараёнда билимлардан фойдаланишни йўлга қўйиш самарасини оширишга йўналтирилган таянч фаразларга асосланувчи интеллектуал агент ёрдамида ички қонуниятлар ва сўровлар маълумотлар омборига жўнатилади. Сўров асосида интеллектуал агент сараланган маълумотларга эга бўлади ва андозаларга туширади. Фойдаланувчи сўровларига маълумотлар омборидаги билимлар хулосалаш механизми ёрдамида шакллантирилади ва зарур маълумотлардан фойдаланиш йўлга қўйилади.



3-расм. Предмет соҳа бўйича билимларни такдим қилишнинг умумлашган тузилмаси


Зиддиятлардан ҳоли қилинган билимлар умумлашган ҳолда қуйидаги кўринишда такдим этилиши мумкин (3-расм).

Продукцион билимлар базасининг тузилмавий хатолари умумлаштирилган бўлиб, унда ББ тузилмаларининг автоматик верификацияси учун қўлланиши мумкин бўлган формал ёндашувлари таклиф этилган.

ББ қуйидаги қоидалар кўринишига эга бўлсин:

$$\tau_i: \text{агар } \bigcup_{y=0}^{k_i} S_i \text{ у ҳолда } f_i \quad k_i = \overline{2, 3, \dots, n} \quad (16)$$

У ҳолда келтирилган қоидаларга 4-расмдаги ВА/ЁКИ графи мос келади.



4-расм. Ахборот тизимларида қарор муқобиллари самарадорлигини оширишга йўналтирилган ахборот тизимларининг билимлар базасини шакллантириш алгоритми

Йўқорида келтирилган r_i (16) турдаги қондани агар $f_{r,1}$ ва $f_{r,2} \dots f_{r,n}$ у ҳолда $f_{r,m}$ қуйидаги жуфтлик кўринишида тасвирлаш мумкин:


$$r_i = (D_{r_i}; Q_{r_i}), \text{ бунда } D_{r_i} = \{f_{r_i,1}, f_{r_i,2}, \dots, f_{r_i,n}\} \text{ ва } Q_{r_i} = \{f_{r_i,m}\}$$

Ушбу ифодадан кўриниб турибдики, Q_{r_i} ягона бўлган q_{r_i} элементдан ташкил топган. L – хулосалашнинг занжирлар тўплами бўлсин.

Юқорида келтирилган мулоҳазалардан фойдаланиб ЭАРда ББни шакллантиришдаги верификация масаласини ечишнинг қуйидаги алгоритми таклиф этилди:


- 1-Қадам. S – далиллар тўплами киритилади.
- 2-Қадам. (16) турдаги конда $r_i = (D_{r_i}; Q_{r_i})$ кўринишга ўтказилади.
- 3-Қадам. Агар $D_{l_i} = D_{r_{i,l}}$ шarti бажарилса, l_i хулосалаш $(r_{i,1}, r_{i,2}, \dots, r_{i,n})$ турдаги занжирнинг бошланғич қисми деб олинади.
- 4-Қадам. Агар кондалар занжирида тузилмавий хатолик бўлса, продукцион ББда тузилмавий хатоликларга текширилади ҳамда 5-қадамга ўтилади;
- 5-Қадам. Агар хатолик мавжуд бўлмаса, статик коррект деб ҳисобланади ва 9-қадамга ўтилади.
- 6-Қадам. Ортиқчалик синфига хос хатоликларга текширилади;
- 7-Қадам. Тўлиқмас синфига хос хатоликларга текширилади;
- 8-Қадам. Зиддиятлар синфига хос хатоликларга текширилади;
- 9-Қадам. Агар Зиддиятлар аниқланмаса далиллар ББ ёзилади ва текшириш тўхтатилади.

Диссертациянинг «Электрон ахборот ресурсларининг билимлар базасини қуришнинг дастурий воситаси» деб номланган бешинчи бобида дастурий восита архитектураси, дастурий воситанинг яратиш технологиялари, дастур ва ҳисоблаш воситалариаро функционал боғланишлар келтирилган. Дастурий восита MVC (Model View Controller) ёки модел кўриниш-контроллер архитектураси асосида қурилган, дастурий восита нормал фаолият кўрсатиши учун ҳисоблаш воситаларига қўйилган техник талаблар ҳам ишлаб чиқилган.



5-Расм. MVC архитектурасида синфлар боғланиш схемаси


5-расмда MVC технологияси синфларнинг ўзаро боғланиш схемалари берилган.



6-расм. Продукцион билимлар базасини яратиш дастурининг кўриниши

Ишлаб чиқилган дастур норавшан қоида хулосаларидан иборат мантиқий моделни қуриш имконини беради (6-расм).

Кирувчи маълумотларни аниқ сонлар кўринишида киритилгандан сўнг, акс эттирилган графиклар бўйича норавшан хулоса тизимининг ишлашини кузатиш, тизимнинг норавшан сонларда тавсифланган натижаларини таққослаш мумкин (7-расм).



